



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 241 (8231).

18 декабрь, 1983 йил • ЯКШАНБА

Баҳоси 3 тийин

РАҲБАРЛИК ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР XXIV ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкент шаҳар партия ташкилотини КПССнинг жаҳонгвар отрядларидан биридир. Шаҳар партия ташкилотининг ўзининг кундалик фаолиятида КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларидан баён этилган кўрсатма ва тавсияларга оғишмай амал қилмоқда.

Хисобот даврида шаҳар меҳнатқиллари ҳаётида кувончли воқеалар кўп бўлди. Революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, Улус Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданий қўрилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2 минг йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрининг Ленин ордени билан мукофотланганлиги қалбларини мизга зўр қувонч бахш этди.

Хисобот даврида саноат, транспорт, капитал қурилиш ва шаҳар ҳўжалиги, фан, маънавий хизматини ривожлантириш, меҳнатқиллар турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган вазифалар шаҳар партия ташкилотининг диққат марказида бўлди, — деди конференцияда хисобот доклады қилган Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров. — Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш учун йил давомида 500 миллион сўмлик на кўпайди. Ишлаб чиқариш ҳажми 16,6 процент ўсди. Ушунинг тўртдан уч қисмига меҳнат унвдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Йиллик планларга қўшимча равишда қарийб 150 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Беш йиллик бошидан бери саноатда 790 хилдан кўпроқ машина, ускуна, прибор яратилди ва ишлаб чиқариш

қисмида жорий этилди. 360 хилга яқин газлама, трикотаж буюмлари, пойабзал, 312 хил маданий-маънавий ва ҳўжаликбон буюмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олий сифат категориясидаги буюмлар ишлаб чиқариш эса 1,6 марта ўсди. Йили саноат маҳсулотидида давлат Сифат белгиси олган буюмлар салмоғи 35 процентини ташкил этаётти. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун йил давомида қарийб 17,5 процент ошди.

Шаҳар ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга 2 миллиард сўмликка яқин капитал маблағи сарфланди. Беш йиллик давомида асосий фонлар 21,5 процентга кўпайди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш суръатини оширишда Акмал Икромов, Октябрь, Собир Раҳимов районлари партия ташкилотлари ва меҳнат коллективлари қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Бу районларда ўсишининг 90 процентига меҳнат унвдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бу муҳим кўрсаткич бўйича белгиланган тошқинчиларни барча корхоналар коллективлари шараф билан баҳардилар. Бу, албатта, бошланғич партия ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари, район партия комитетлари олиб борган катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлар самарасидир.

Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай яхши деб бўлмади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ўстириш суръатлари бўйича белгиланган ўйилдик тошқинчиларни Киров ва Ленин районлари меҳнат коллективлари бажара олмади. Фрунзе районидида низоғида қолдики руй бермоқда. «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон техника, Октябрь револю-

цияси номли тепловод ремонт заводида, «Ўртоқ» фабрикаси, тўқимачилик комбинати турлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш тошқинчиларини бажара олмадилар.

В. П. Чкалов номли, «Средазэлектротракт» ишлаб чиқариш бирлашмалари, чинни буюмлари, «Электробитрибор», кўприк темирбетон конструкциялари, кўш тўқимчи қурилмалари заводи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нарийети каби илгор корхоналарда интенсив иш методлари муваффақиятли жорий этилганлиги конференцияда маънуният билан қайд этилди. Бу корхоналарнинг коллективлари Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида бир неча бор ғолиб чиққандар, Лекин уларнинг иш тақрибасини кенг тарғиб этишга негизда эътибор берилганлиги қаралмоқда. «Ўқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив, Октябрь революцияси номли тепловод ремонт заводи, дастлараро «Вторчермет» бирлашмаси, металл конструкциялари ва маҳсул заготовклар заводи, синтетик юнчи восталари ишлаб чиқарувчи корхона коллективлари учун йилдан бери бир қатор муҳим маҳсулот турлари ишлаб чиқариш тошқинчиларини барбод этиб келмоқдалар. Шаҳар ва район партия комитетлари, корхона партия комитетлари ва партия бюралари бундай қолдиқларини сирларини чуқур ўрганишларига, қўзғалган мақсадга эришиш йўлида қатъий ҳаракат қилмадилар. Конференцияда бу соҳадиги нуқсонлар кескин таъқид қилинди.

Хисобот даврида корхоналарини реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қурулганлиги қарийб 403 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бунинг на-

тижасида илмий-техника тараққиети суръатлари яна ҳам ошди. Халқ ҳўжалиги учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми кенгайди. Бу соҳада, айниқса, Тошкент трактор заводи, «Средазэлектротракт», В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, абразив буюмлари комбинати, «Ташсельмаш» заводи каби йиллик корхоналарда катта ишлар қилинди.

Олимлар саноатчилар билан ҳамкорликда беш йилликнинг дастлабки икки йили давомида фан ва техника тараққиети эътиришга қаратилган 3 мингга яқин тошқинчилар бажардилар. 60 та корхона, цех ва участка комплекс автоматлаштирилди ва механизациялаштирилди, 700 та илгор технологик жараён жорий этилди.

Шунга қарамай фан ва ишлаб чиқариш ўртасидида алоқани мустаҳкамлашда ҳали кўп иш қилиниши керак. Гуруч заводи, «Ташэлектромаш» заводи, пахтачилик бўйича маҳсул давлат конструкторлик бюроси, «Ўртоқ» фабрикасини реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қурулганлиги бажарилиши, Киров, Сергели ва Октябрь районларидидаги кўпгина корхоналарнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ҳам цех ва участкаларини реконструкция қилиш ҳамда техника жиҳатдан қайта қурулганлиги масалаларига етарлича эътибор бермадилар.

Хисобот даврида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш аниқ қўйилганлиги конференцияда таъқидлаб ўтилди. Хозирги кунда бундай маҳсулотларни корхоналарнинг 96 процентини ишлаб чиқаришди. Лекин шунга қарамай Киров, Ленин ва ҳамма районларидида бир қатор корхоналар раҳбарлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйиш устида етарлича қайтумаянтилар.

(Давоми 2-бетда).

45 ПРОЦЕНТИ— «АЪЛО» СИФАТЛИ

ИШЛАБ чиқариш самардорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашда меҳнатчи ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригад формасини кенг ёйиш ҳал қилувчи роль ўйнаш шубҳасиз. Бунинг эътиборида мисолида ҳам қўриш мумкин.

Кейинги пайтларда корхонада меҳнатчи ташкил этишнинг бу илгор усулига алоҳида эътибор берилди. Турдош корхоналар иш тақрибаси ўрганилиб, заводимиздаги мавжуд бригадалар иш шу асосда қайта ташкил этилди. Бизнинг бригадда ҳам ягона наряд асосида ишлашга ўтгач, ютуқларимиз янада қувончли бўла бошлади.

Бригадимида 25 киши меҳнат қилади. Уларнинг барчаси сайқалловчилар. Улар хозирги пайтда аввалгига нисбатан 20—30 процент кўпроқ иш бажарётганликлари бу усулнинг афзаллигидан далолатдир. Бундан ташқари, цехимизда бундай бригадалар сон ортиб бораётганлиги ҳам қувончли ҳолдир. Чунки кейинги йилларда партия ва ҳўкуматимиз халқ истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш, улар замонавий ва пиллиқ бўлишига эришиш масаласига алоҳида эътибор бер-

моқдалар. Шунинг учун ҳам оқдиги бригадаларга нисбатан иш кўрсаткичлари анча юқори бўлаётган ҳўжалик ҳисобидидаги коллективларини қўлайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хозирнинг ўзида заводимизнинг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш цехида тайёрланган ялпи маҳсулотнинг 45 проценти фазрий беш қирра таъғаси билан истеъмолчиларга етказиб берилганлиги. Лекин бу ҳам имкониятларимизнинг чегараси дес бўлмайди. Чунки яқин келажакда цехимизда кенг истеъмол буюмлари тайёрлашда янада қўлайтириш мақсадига «Йиллик» ошхона айвонлари, бир қатор ҳўжалик буюмларини тайёрлашнинг ўзлаштириш кутилмоқда. Беш йиллик охирига бориб цехимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми 6 миллион сўмга етиши керак. Ана шу маъсул-ятли вазифани бажариш учун ютуқларимизнинг асосий омил бўлаётган бригад пудратини кенг ёйишга зўр беряпмиз. Ана шу тadbирлар ҳар қандай юксак даражадаги ҳам бажаришни таъминлайди, деб ўйлайман.

М. МИРАЛИЕВА,
Чирчиқдаги «Ўзбекмаш» заводининг сайқалловчиси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

▲ ПАРКЕНТ. Калинин номли совхоз меҳнатқиллари 1984 йил ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлашни бошлаб буюрдилар. Бюга ва тоқзорларга кузги агротехника ишлов бериш уюшқорлиги билан олиб бориляпти. Кузги-қишқи тadbирлар комплексини ўтказиш бўйича бригадалар ўртасидидаги мусобақадда Тошўлат Иброҳимов етакчилигидаги коллектив пешқадамлик қияпти.

Улар 18 гектар майдондаги тоқзорини сифатли қўйиш билан биргаликда озиклантириш, сўғориш ишларини жадал давом эттиришяпти.

М. МИРКАМОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Учинчи чақириқ СССР Олий Советининг ваколат муддати тугаши муносабати билан СССР Конституциясининг 90-моддасига ва «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»-ги СССР қонунининг 12-моддасига

мувофиқ СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Ўн биринчи чақириқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов 1984 йил 4 март, якшанба кунига белгилансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. АНДРОПОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.
Москва, Кремль. 1983 йил, 16 декабрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОҚРУГЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги СССР қонунининг 13- ва 14-моддаларига асосан СССР Олий Совети Президиуми 1983 йил 16 декабрдаги Фармони билан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 750 та сайлов округини тузди, шу жумладан,

ри билан Янгйобод шаҳри, Оҳангарон, Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районлари.

605. Бўка сайлов округи (маркази — Бўка шаҳри). Олмалик, Бекобод шаҳарлари ҳамда Бекобод, Бўка ва Пискент районлари.

606. Калинин сайлов округи (маркази — Калинин посёлкаси). Калинин, Коммунистик, Паркент ва Тошкент районлари.

607. Чирчиқ сайлов округи (маркази — Чирчиқ шаҳри). Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик ва Оржоникидзе районлари.

608. Янгйўл сайлов округи (маркази — Янгйўл шаҳри). Янгйўл шаҳри ҳамда Ғалаба, Чиноз ва Янгйўл районлари.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА:

600. Тошкент—Ленин сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри, Ленин район совети). Тошкент шаҳрининг Ленин, Сергели ва Фрунзе районлари.

Тошкент шаҳри, Октябрь район совети). Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Собир Раҳимов районлари.

601. Тошкент—Киров сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри, Киров район совети). Тошкент шаҳрининг Киров райони, Улугбек посёлкаси билан Куйбишев райони ва Ҳамза райони.

Тошкент шаҳри, Чилонзор район совети). Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов ва Чилонзор районлари.

602. Тошкент — Октябрь сайлов округи (маркази —

Тошкент шаҳри, Октябрь район совети). Тошкент шаҳрининг Октябрь ва Собир Раҳимов районлари.

Бўка 0,04 111,44
Коммунистик 0,06 109,93
Оққўрғон 0,07 106,33
Бекобод 0,03 106,33
Чиноз 0,06 104,48
Пискент 0,03 103,93
Ўрта Чирчиқ 0,05 103,47
Янгйўл 0,05 101,91
Ғалаба 0,04 94,30

Область буйича: 0,05 104,62

ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР

Янгйўл райони ҳўжаликлари меҳнатқиллари ва шаҳарлик хашарчилар матлуботчилар хизматидан мамнулар. Саъдо ходимлари йилим-терим давом этаётган хозирги пайтда ҳам хизмат кўрсатишни давом эттирмоқдалар.

Район бўйича 4 та универсал магазин, 2 та саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи дўконларнинг ходимлари эрта-кеч далада хизмат кўрсатмоқдалар. Қўчма савдо пахтакорлар ва хашарчиларнинг дам олиш пайтларига мулкжаллаб ташкил этиляпти.

Кейинги кунларда матлуботчилар қўшимча тadbирлар белгиллаб олдилар. Сутуҳисиза дўконлар сони 50 тага етказилди. Ундан ортиқ қўчма магазин ўз-ўзига хизмат усулида ишлай бошлади. «Ленинизм», «Халқобод», «Октябрь», «Кўнучи» қишлоқ матлубот жамиятлари ўз ишларини янада жоилантириш юбордилар.

115. Тошкент — Ленин сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри, Ленин район совети). Тошкент шаҳрининг Ленин райони, Улугбек посёлкаси билан Куйбишев райони ва Ҳамза райони.

116. Тошкент — Чилонзор сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри, Чилонзор район совети). Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Сергели, Фрунзе ва Чилонзор районлари.

117. Тошкент — Октябрь сайлов округи (маркази — Тошкент шаҳри, Октябрь район совети). Тошкент шаҳрининг Киров, Октябрь ва Собир Раҳимов районлари.

118. Ангрен сайлов округи (маркази — Ангрен шаҳри). Ангрен, Оҳангарон, Наримонов шаҳарлари, Красногорск ва Чигирчиқ посёлкалари билан Янгйобод шаҳри, Тошкент областининг

119. Бўка сайлов округи (маркази — Бўка шаҳри). Олмалик, Бекобод шаҳарлари ҳамда Тошкент областининг Бекобод, Бўка ва Пискент районлари.

120. Чирчиқ сайлов округи (маркази — Чирчиқ шаҳри). Чирчиқ шаҳри ҳамда Тошкент областининг Бўстонлик, Коммунистик, Оржоникидзе ва Паркент районлари.

121. Янгйўл сайлов округи (маркази — Янгйўл шаҳри). Янгйўл шаҳри ҳамда Тошкент областининг Ғалаба, Калинин, Тошкент, Чиноз ва Янгйўл районлари.

Оққўрғон, Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ районлари.

119. Бўка сайлов округи (маркази — Бўка шаҳри). Олмалик, Бекобод шаҳарлари ҳамда Тошкент областининг Бекобод, Бўка ва Пискент районлари.

120. Чирчиқ сайлов округи (маркази — Чирчиқ шаҳри). Чирчиқ шаҳри ҳамда Тошкент областининг Бўстонлик, Коммунистик, Оржоникидзе ва Паркент районлари.

121. Янгйўл сайлов округи (маркази — Янгйўл шаҳри). Янгйўл шаҳри ҳамда Тошкент областининг Ғалаба, Калинин, Тошкент, Чиноз ва Янгйўл районлари.



КУНЛИК ҲСИШДА ПЕШҚАДАМ

● ЧИНОЗ. Район пахтакорлари далада етиштирилган ҳосилининг сўнги мисқолларини йиғиштириб олишни қизғин давом эттиришяпти. Ҳўжаликлар ўртасидидаги мусобақадда «Москва» ҳамда Киров номли колхозларнинг деҳқонлари пешқадамлик қилишяпти. Бу ҳўжаликларда кунига 2—2,5 тоннадан «оқ олтин» йиғиштириб олиномоқда.

Бригадалар ўртасидида беллашувда эса «Москва» колхозининг Абдужаббор Дўсимбетов етакчилигидаги коллектив миришкорлари қарвонбоши. Улар айни кунларда 1 тоннага етказиб хом ашё тошқинишяпти.

УЧ БРИГАДА РАПОРТИ

● ҒАЛАБА. Киров номли колхозининг Шуҳрат Анорбоев бошчилик қилаётган 3-бригадаси пахтакорлари йиллик плани бажардилар. Миришкорлар 45 гектар майдондан 36,3 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Хозир мажбурият ҳисобига пахта тошқиниш қизғин давом этапти.

Қаршиб. Амриқуллов етакчилигидаги коллектив Свердлов номли колхозда илгорлардан саналади. Бу ақил бригада аъзолари 75 гектар майдондан 274 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиб она-Ватанга тошқиндир.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

● ОҚҚЎРҒОН. Район ҳўжаликларида республикамизнинг 6 миллион тоналлик юксак «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишга муносиб ҳисса қўиш учун кураш давом этапти. «Оққўрғон» совхозининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Сайфи Хўшмурадov етакчилиги қилаётган пахтакорлари мавжуд 110 гектар майдонининг ҳар гектардан 50 центнердан хом ашё йиғиштириб олиб бу катта хирмонга муносиб ҳисса қўишга аҳд қилишган. Оқунбобов номли колхозининг Незьмат Раҳматуллоев бошчилик бригадда миришкорлари эса 140 гектар майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан хосил қилишга бел боғлашган. Айни кунларда ҳам бу икки маънафал бригадда заршунос-лари мусобақанинг олдинги сафиди боришяпти.

● ОҚҚЎРҒОН. Район ҳўжаликларида республикамизнинг 6 миллион тоналлик юксак «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишга муносиб ҳисса қўиш учун кураш давом этапти. «Оққўрғон» совхозининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Сайфи Хўшмурадov етакчилиги қилаётган пахтакорлари мавжуд 110 гектар майдонининг ҳар гектардан 50 центнердан хом ашё йиғиштириб олиб бу катта хирмонга муносиб ҳисса қўишга аҳд қилишган. Оқунбобов номли колхозининг Незьмат Раҳматуллоев бошчилик бригадда миришкорлари эса 140 гектар майдонининг ҳар гектаридан 45 центнердан хосил қилишга бел боғлашган. Айни кунларда ҳам бу икки маънафал бригадда заршунос-лари мусобақанинг олдинги сафиди боришяпти.

● ПАРКЕНТ. Калинин номли совхоз меҳнатқиллари 1984 йил ҳосили учун мустаҳкам замин ҳозирлашни бошлаб буюрдилар. Бюга ва тоқзорларга кузги агротехника ишлов бериш уюшқорлиги билан олиб бориляпти. Кузги-қишқи тadbирлар комплексини ўтказиш бўйича бригадалар ўртасидидаги мусобақадда Тошўлат Иброҳимов етакчилигидаги коллектив пешқадамлик қияпти.

Улар 18 гектар майдондаги тоқзорини сифатли қўйиш билан биргаликда озиклантириш, сўғориш ишларини жадал давом эттиришяпти.

М. МИРКАМОВ.



● Коммунистик районидаги «Правда» колхозини фермасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Сут соғувчилар эришяётган натижалар ҳар кун яқунлашиб, мусобақа ғолиблари аниқлаб борилади. Суратда: сутчилик комплекси мудир А. Ким кўрсаткичлар тахта-си ёнида соғувчилар билан суҳбатлашмоқда.

В. Портнов фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

БЎКАДАГИ йўл қурилиш-ремонт участкаси коллектив йўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида бир маромда ишлаб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритди. Социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнатни пухта ташкил этиш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, илгор иш усулларини қўлаш туфайли йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Йил бошидан бери деярли ярим миллион сўмлик йўл қуриш ва уни ремонт қилиш ишлари амалга оширилди. Биргина «Кремль» совхозини территориясинидаги 3 километрдан ортиқ йўлга асфальт ётқизилди, макнахўхори қуришга мўлжалланган 30 минг квадрат сахли майдонлар тайёрланди.

Коллектив эришган бу муваффақиятга ишлаб чиқариш илгорларидан автогрейдерчи Г. Каримуллин, тракторчилардан М. Маҳсумов, А. Қодиров, ремонтчи ишчилардан О. Қоимовлар ва бошқалар муносиб ҳисса қўшдилар. Участки коллективини шу кунларда ҳам кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқда.

О. ҲАМРАЕВ.

С. Раҳимов номли колхозда ана шундай миришкорлар меҳнат қилишяпти. Шунинг учун ҳам ғанимат кунлардан самарали фойдаланаётган деҳқонлар ерларини шўдгорлаш, озиклантириш билан биргаликда эртаги экинларга эглар олиб қўйишмоқда.

Хўжаликнинг Гофир Далаев, Эркин Отабоев сингари механизаторлари дала ишларини ўз вақтида ва сифатли бажаришда барчага ибрат кўрсатмоқдалар. Ҳозиргача колхозда 100 гектар ерга эртаги сазавот учун ариқлар тортиб қўйилди.

Т. ЖҲАЕВ.

Айни кунларда улар келсунки йил мўл ҳосили учун курашини қизғин олиб боришяпти. Парник ҳўжалигида эртаги карам, помидор ва бошқа кўчатларини тайёрлашга киришдилар.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

● ТОШКЕНТ. Тadbикор деҳқон мўл ҳосилга куздаюқ мустаҳкам замин тайёрляпти.

РАҲБАРЛИК ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Докладчи, музокарада иштирок этган Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Асенов, Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хужаева, Куйбисев район партия комитетининг биринчи секретари В. Қ. Алиев, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси электрослесари А. В. Симонов ва бошқа делегатлар ҳисобот даврида бақарилган ишларин ҳар томонлама чуқур таҳлил қилдилар, йўл қўйилган нуқсонларни тугатишга, партиявий раҳбарлик услубини янада такомиллаштиришга ёрдам берувчи конкрет тақлифларни ўртага ташладилар.

Кўпгина партия ташкилотларининг махсулот сифатини ошириш устида етарлича ғамхўрлик қилмаётганлиги делегатларнинг сўзларида таъкидлаб ўтилди. «Эталон» ишлаб чиқариш бirlашмаси, агрегат, кўнмайна заводлари, поёбазла фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган махсулотлар орасида олий қатгоридаги сифатли махсулотлар миқдори нисбатан кам. Ётмои комбинати, загарлик заводида эса қўлбал бракета йўл қўйилмоқда. Сифатсиз махсулотлар миқдори кўпайиб бораётганлиги учун ҳам реализация план қарийб 3 миллион сўмликка камайиб кетди. Бунда поёбазла фабрикалари, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бirlашмаси коллективларининг ҳам айби бор.

Ҳисобот даври капитал қурилишини янада такомиллаштиришда муҳим босқич бўлди. В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бirlашмасида, «Тошкент

трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмасида, «Ташсельмаш» заводида ва бошқа йирик корхоналарда 96 тага яқин ишлаб чиқариш қуввати ва объекти фойдаланишга топширилди. 2,5 миллион квадрат метр саҳнали уй-жой, 32 минг ўқувчи мактаблари, 9400 ўқувчи мактаблари, 9400 ўқувчи мактаблари, 1320 ўқувчи шифоналар, 2750 беморни қабул қилувчи поликлиникалар ишга туширилди.

Лекин бу соҳада эришилган ютуқлар ҳали бизни қониқтирма олмайди. Кейинги йилларда тугалланмаган қурилишлар сон тобора кўпайиб бормоқда. Киров, Фрунзе, Чилонзор районларида асосий фондларни ишга туширишда қўлқончи сезилмоқда. «Главташкентстрой» бўлинмалари соғлиқни сақлаш, савдо, маънавий хизмат корхоналари қурилишини сўст олиб бормоқдалар.

Конференцияда меҳнат уюмдорлигини ошириш юзасидан бақарилган лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. 1, 6, 12-қурилиш трестлари, «Строймеханизация» трести, «Ташпромстрой» бirlашмасининг 1-қурилиш-монтаж бirlашмаси каби ташкилотларда меҳнат уюмдорлигини ошириш бўйича белгиланган кўрсаткичлар бақарилмапти. «Узбексельмаш», кўн-галантерее ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бirlашмалари филиалларини ривожлантириш лозимлиги ҳам конференцияда ўқитиб ўтилди.

Делегатлар бригада пудратини, жорий этиш юзасидан бақарилган ишларини ишчанлик билан таҳлил қилдилар. Пудрат усулида ишлаётган коллективларнинг моддий-техника таъминотини

яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг янги усулида ишлашга ўтказишга тайёргарлигини кучайтириш лозимлиги ўқитилди. Пудрат усулида ишловчи бригадаларда узлуксиз ишчи таъминлаш юзасидан мамлакатдаги илгор коллективлар тўплаган тажриба шаҳар қурилишларида ҳам кенг қўлланилиши керак.

Ҳамза, Фрунзе, Чилонзор ва Куйбисев районлари корхоналарида илгич кучининг бекорга йўқолиш ҳолатлари, Акмал Икромов, Собир Раҳимов районлари корхоналарида кадрлар кўнмисизлигининг ўсиб бораётганлиги беҳтёр кишини ташвишга солади.

Ҳисобот докладада, музокарада сўзга чиққан Ҳамза район ижроия комитети раиси З. Т. Новикова, электрон-техника заводи бош директори В. Мушкарёв ва бошқа делегатларнинг нутқларида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида олиб борилган идеология ва сиёсий-тарбиявий ишлар алоҳида таҳлил қилинди. Шаҳар, район партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари коммунистларда ва барча меҳнатчиларда марксизм-ленинча дунёқарашни шакллантириш, устиде алоҳида ғамхўрлик қўрсатиш, иқтисодий тизим системасида 360 мингдан ортиқ киши ўз билимини ошириди. Улар орасида 94 минг коммунист ҳам бор эди.

Ўқувнинг ҳужалик ва маданий қурилиш практикаси билан алоқаси сезиларли даражада яхшиланди. Тингловчилар амалий машғулотларда актив иштирок этмоқдалар, воқеаларни мустакил равишда сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилишга ўрганилмоқдалар.

Айни пайтда ўқувни ҳужажурсин учун ташкил этилган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Кўп жойларда тингловчилар машғулотларга тўла жалб этилмапти, пропагандачилар белгиланган темаларни ўтганда уларни маҳаллий ҳаёт билан боғлаб олмаптилар.

Меҳнат коллективларида ва аҳоли турар-жойларида олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам тўдан яхшилаш керак.

Партия комитетлари касба союз ташкилотлари раисини ошириб беришга алоҳида эътибор беришлари лозим. Касба союз билетларини алмаштириш юзасидан бошланган кампанияда ҳар бир ишчи ва хизматчининг ишлаб чиқаришдаги активлигини ўстириш, бошлангич касба союз ташкилотлари жанговарлигини ошириш йўлининг қидириб топиш керак. Меҳнатни ташкил этишда, иттизомни мустаҳкамлашда, социалистик мулоҳазада самарадорлигини оширишда касба союз ташкилотлари актив қатнашишлари зарур.

Шаҳарни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришда 375 минг йилгичини ўз сафига бirlаштирган комсомол ташкилоти катта ҳисса қўшиб келаяпти. Комсомоллар шаҳардаги бир қатор объектиларни қуришда ва реконструкция қилишда актив қатнашмоқдалар. Втузникнинг зарбдор қурилишларида ҳам комсомоллар зўр жасорат қўрсатишмоқдалар. Партия ташкилотлари бундан буён ҳам ёшларни революцион анъаналар руҳида, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялаш устида қайғуришлари лозим.

Республиканинг барча коммунистлари қатори ша-

ҳар партия ташкилотлари ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўрмоқда. Юбилей йилида олдимишда улкан вазифалар туртипти. Шаҳар ва район партия комитетлари, барча партия ташкилотлари беш йилликнинг тўртинчи йилида коммунистлар активлигини ҳар жиҳатдан оширишлари, улар эътиборини йилнинг муҳим вазифаларига қаратишлари лозим.


Конференцияда шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси Э. Д. Бокисовнинг доклади ҳам тингланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзолик кандидатуралар Е. А. Айтмуратов, Ю. П. Максимова, М. М. Мусоенова, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова иштирок этдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. У. У. Умаров — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, К. П. Дудин — шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, М. Ф. Солдамов, С. М. Юсупов — шаҳар партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.



● «Радуга» рангли телевизорлар ремонтга ихтисослашган «Зантори экран» Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш бirlашмаси коллективни хизмат кўрсатишининг илгор усуллари қўллаб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) бош инженер В. Рясний ва катта диспетчер Р. Сайфуллин ремонтдан чиқарилган янги телевизор схемасини кўздан кечирмоқдалар.

ТЕЖАЛГАН ЁҚИЛГН ҲИСОБИДАН САФАРГА

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты Х. А. Исамуҳамедов бошқаратган тепловоз Тошкентдан Арис станциясигача навбатдаги сафарга тежалган ёқилғи билан жўнаб кетди.

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент тепловоз депосининг махсус стендига машинистнинг шу кунинг қизил байроқча билан белгиланган йўлини, шу тариқа коммунист меҳнат зарбдорини йилига бир кун тежалган дизель ёқилғисини ҳисобига ишлардан иборат социалистик мусобақа асосий бандларидан бири бўлиб бақарди. Исамуҳамедовнинг ресурсларини тешаш шахсий варақчага жами 9 тоннадан кўпроқ ёқилғи эсга қўйилган. Бу миқдордан ёқилғи олти рейс учун етарлидир.

Двигатель тежамли иш режимида фойдаланиш, ўз участкаси бўлиб, ишга ҳалол муносабатда бўлиш—ишлаб чиқариш ветерани эришган муваффақиятининг асосий резервларидир. Х. А. Исамуҳамедов билимини ёшларга ўргатади. У комсомол-ёшлар бригадаси кенгашининг аъзоси қилиб сайланган. Яқинда эса депутат илгор тажриба мактабига бошчилик қила бошлади.

(ЎзТАГ мухбири).

ПРОПАГАНДИСТ РЕЗЕРВЛАРИНИ ҚИДИРИБ ТОПМОҚДА

Беш йиллик топширигининг муддатидан илгари бақарилган муносабати билан билдирилган мактовга коммунист меҳнат мактаби тингловчилари — С. Қодирқулов, Д. Ҳақимов ва Н. Матқобулов билан бирга пропагандист Р. Гараев ҳам ҳақли равишда сазовор бўлди. Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бirlашмаси

коллективда илгорлар эришган меҳнат муваффақиятини кўп даражада Р. Гараев раҳбарлик қилаётган коммунист меҳнат мактабидидаги ўқиниш сафараси, деб ҳисоблайдилар. Сараловчи Р. Гараев меҳнат қилаётган транспорт участкасининг коллективни бир вақтлар, нотекис ишлар эди. Ҳом ашб бир маромда етказиб берилмаганлиги сабабли машина-ускуналар кў

пинча бекор туриб қоларди. Ишчилар, айниқса электрон ҳайдовчиларнинг етишмаётганлиги бунинг сабабларидан бири эди. Ушунда Р. Гараев мактаб тингловчиларнинг, айниқса транспортчиларнинг диққат-эътиборини ишлаб чиқаришнинг интенсивлаш масалаларига қаратди. Меҳнатни ташкил этишнинг илгор методлари билан боғланган бир қанча мавзуларни мактаб программасига киритди. Мактаб тингловчилари бир қанча машғулотларда Р. Гараев билан бирга мукамаллаштириш чораларини белгилайдилар.

Участка коллективи бу

масалани атрофлича муҳокама қилиб, тўла составда ягона наряд асосида ишлашга қарор берди. Ҳом ашбни иш жойларига смена бошлангичдан олдани етказиб бериш тўғрисида келишиб олинди. Тингловчиларнинг ташаббуси билан юк ортиш майдончаларида кўтаргич қранлар ўрнатилди, бу эса транспорт тобора унумли фойдаланиш имконини берди. Коллектив қўшимча ишчи қабул қилмасдан топшириқни бақарадиган бўлиб қолди.

Ҳар бир минутдан унумли фойдаланиш, меҳнатни пухта ташкил этиш тажрибали ишчилар С. Қодирқулов, Д.

Ҳақимов ва Н. Матқобуловга иш унумини икки баравар оширишга ва корхонада беш йиллик топширигини олданилган қаторида бақариш имконини яратиб берди.

Р. Гараев бошчилик қилаётган коммунист меҳнат мактабининг ҳар бир тингловчида, топширилган ишга ижодий ёндашиш тўғрисида тарбиялаш соҳасидидаги фаолият республика пойтахтида ўтказилган пропагандачилар кўнида маъмуланди. Р. Гараевнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилувчи махсус планат шаҳардаги корхоналарга тарқатилди.

(ЎзТАГ мухбири).



● ТОШКЕНТ район партия комитети ҳузуридаги сиёсий-маориф кабинетиде пропагандачилар ўз билим ва малакаларини оширишлари учун барча шароитлар яратилган. Суратда: пропагандачилар бир гуруҳи са навбатдаги машғулот олдидан сиёсий-маориф кабинетиде турли хил адабиётлар ва кундалик газеталар билан танишмоқдалар. В. Портнов фотолари.

АГРЕГАТ СИНОВДАН ЎТДИ

Селекционерлар уруғлик чигитни синаб қуриш жараёнида кўпгина қийинчиликларга дуч келар эдилар. Шулардан бири мўъжазгина экиш агрегатининг йўқлигидир. Бу муаммони Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтининг Яхши Осиё бўлими олимлари ижодий ҳал қилдилар. Лаборатория мудири, техника фанлари кандидати А. Абдурахмонов ва катта илмий ходим С. Чирволлар селекционерлар учун кичкина экиш аппаратини яратдилар. Бу аппарат чигитни ерга қадаш вақтида пахта навларининг аралашиб кетмаслигини тўла таъминлайди.

Институтнинг тажриба заводида ишлаб чиқарилган янги аппарат бу йил синовдан ўтказилди. Айни кунларда у Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг агроасаноат комплексиде намойиш этилмоқда.

С. ЕҚУБОВА.

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУАССАСАЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасида республикамиз халқ ҳўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ ақтуал муаммолар ҳал этилмоқда. Мураккаб объектиларни бошқаришнинг «инсон ва машина» системасини математик ниҳаддан таъминлашда назарий асослари ҳамда техник воситаларни яратиш, экономика-мизни комплекс таракций этиришининг планли системасини ишлаб чиқишда алгоритмлик методларни қашф этиш, биологик ва медицина-кибернетика соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаш-

ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

тириш, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришнинг оптимал бошқариш таъминловчи омилларини вуҷудга келтириш каби ўнлаб йўналишларда актив изланишлар олиб боришмоқда.

Биз партия XXVI съезди кўрсатмалари, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорлари асосида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини мустаҳкамлаш, ниҳоясига етган тадқиқотларни халқ ҳўжалигига теҳзор жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишда бirlашмамизда фаолият кўрсатаётган 180 нафар коммунистнинг ўз бур-

чига садоқати, ташаббускорлиги, партиявий топшириққа бўлган чуқур масъулияти муҳим роль ўйнамоқда.

Бirlашма партия комитети ва цех партия ташкилотининг меҳнат иттиозинини мустаҳкамлаш, ҳар бир тадқиқотнинг юксак самарадорлигига эришиш йўлидаги ҳаракатлари зое кетмади. Биргина шу йилнинг ўн ойи ичида ҳисоблаш маркази кибернетика институтининг ўзида ишлаб чиқаришга жорий этилган 26 та тадқиқот 3 миллион 255 минг сўмлик самара берди. Умуман бirlашма бўйича халқ ҳўжалигига жорий этилган 174 та илмий ишдан 54,5 миллион

сўмликдан кўпроқ самара олинди. Айниқса, кон ишларини автоматлаштириш, ҳисоблаш техникаси, алоқа-йўлчи ишларини автоматлаштириш, шифоналарда мўътадил иқлим яратиш системаси, пахта ҳосилдорлигини олдидан айтиб бериш методикаси борасидаги илмий изланишлар юксак самара берди. Коллективизм ҳўжалик шартномаси асосида ҳам ташкилотлар, корхоналар, колхоз ва совхозлар билан алоқа боғлаб анча катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Институтимиз олимлари, илмий ходимлари, хизматчилари фаолияти учун ҳарак-

терли бўлган яна бир фазилат — бу иш вақтидан унумли фойдаланишдир. Тадқиқотлар билан шуғулланаётган 44 лабораториянинг ҳаммасида «Иш вақти — ишга» деган шир қатъий қўйилган. Ҳар бир лаборатория ўзининг бугунги иш программасидан ташқари, эртага, келгуси ойда, янги йилида нима иш билан шуғулланишини яхши билади. Институт олимлар кенгаши ҳатто узоқ йилларгача бўлган давр учун илмий йўналишларнинг истиқбол планини ишлаб чиқди.

Мат-лумки, партия ва ҳўкуматимиз малакали мутахассислар тайёрлаш, истеъ-

додли ёшларга кенг йўл очиб масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Институтимизнинг аспирантура бўлимига ҳар йили 80 нафар талаба қабул қилинади. Айни пайтда биз йилига 30—40 фан кандидатини халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига ишга йўллаймиз.

Буларнинг ҳаммаси коллективизмда муҳитнинг софлиги, коммунистлар ва партиясизларнинг ёрқин мақсад йўлидаги ушшоқлиги, фанининг замонавий ағаммоларини ҳал этишда ҳўзиржавоблигидан далолат беради.

Партия ташкилотимизнинг кейинги йиллардаги

фаолиятида идеологик ишлар кўлами кенгайди, оммавий-тарбия воситаларининг таъсирчанлиги ортиди. Барча бўлинмалардаги партия, комсомол маориф соҳасида олиб борилаётган ишлар, сиёсий-тарбиявий тадқиқотларга партокком ҳузурида тузилган махсус идеологик комиссия раҳбарлик қилмоқда. Мунтазам ўтиб турадиган «Фан кўнараи», кибернетиканинг бошқа фанлар билан боғлиқ бўлган проблемаларига доир семинарлар, институт «Билим» намятининг 100 дан ортиқ лекторлари томонидан ўқилаётган лекциялар гоийи ишлар сифатини яхшилади.

Бirlашмамиз коллективни қишлоқча-оталиқ ердами кўрсатишини ўзатиш шарафли бурчи деб билади. Ҳар йили комсомол-ёшлардан иборат отрядлар Тошкент, Писент районларида

ем-хашак тайёрлаш, сабзавот йиғиштириш, пахта териш ишларида фаоллик кўрсатилди. Ёш олимларимиз Тошкент области ва Тошкент шаҳридаги қатор мактаблар, ҳўнар-техника билим юртларини оталиқча олишган.

Шу йил ёзда институт комсомол ташкилот мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда «Мен тинчлик учун овоз бераман» деган маршда қатнашдилар. Бу тадбир шарафига ушоттирилган шанбаликда ёшлар совет тинчлик фондида 500 сўм пул ўтказилди.

У. ҚУДРАТОВ, Республика Фанлар академияси Ўзбекистон «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг секретари.

